

GREAT BRITAIN

INTERNATIONAL SCIENTIFIC
ONLINE CONFERENCE

INTERDISCIPLINE INNOVATION
AND SCIENTIFIC RESEARCH
CONFERENCE

 2024 YEAR

GREAT BRITAIN, LONDON



ISOC
INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES



**INTERDISCIPLINE INNOVATION AND
SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE**
International scientific-online conference

Part 19

April 15th

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS

LONDON 2024



INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE:
a collection of scientific works of the International scientific online
conference (15th April, 2024) – Great Britain, London: "CESS", 2024.
Part 19 – 198p.

Chief editor:

Candra Zonyfar - PhD Universitas Buana Perjuangan Karawang,
Indonesia Sunmoon University, South Korea.

Editorial board:

Martha Merrill - PhD Kent State University, USA

David Pearce - ScD Washington, D.C., USA

Emma Sabzalieva - PhD Toronto, Canada

Languages of publication: русский, english, қазақша, о'zbek, limba
română, кыргыз тили, Հայերեն....

The collection consists of scientific researches of scientists, graduate
students and students who took part in the International Scientific online
conference.

"INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH
CONFERENCE". Which took place in London on April 15th, 2024.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers
in higher education establishments. They can be used in education,
including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain
bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was
accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The
authors are responsible for content, researches results and errors.

© "CESS", 2024
© Authors, 2024



Table:

Abdulkhamidov Abduvali Kholmiraev Saidkamol Umurkulov Khusniddin <i>EFFECTS OF SGLT2 INHIBITORS ON CARDIAC FUNCTION IN CHRONIC HEART FAILURE</i>	8
Ismailova Fatima <i>THE "BLUEST EYE" BY TONY MORRISON AS A VIEW OF REAL AND VIVID SOCIAL LIFE</i>	11
Ruzieva Sokhibjamol Nuralieвна Sotvoldiyeva Sabrina Burxon qizi Khalikova Madina Shukhratovna <i>FPGA DESIGN IN SOFTWARE ENVIRONMENT</i>	18
Narkenbayeva Asemgul Adilbekovna <i>FORMATION OF PROFESSIONAL AND METHODOLOGICAL COMPETENCE OF THE FUTURE ENGLISH LANGUAGE TEACHER BASED ON CREDIT-MODULE TEACHING TECHNOLOGY</i>	22
Jurayeva Zulfiyakhan <i>"CONCEPT OF LOGARITHM" TO STUDENTS OF VOCATIONAL SCHOOL. LOGARITHMIC FUNCTION AND ITS PROPERTIES. PROCEDURE FOR DEVELOPING THE SCENARIO OF THE "GRAPHIC" MODULE</i>	25
Kadirova Dilfuza Alisherovna Zuhraxon Xoldaraliyeva Ravshanbek qizi <i>METHODS AND TECHNIQUES IN SPEAKING TEACHING LANGUAGE LEARNERS</i>	28
Tukhtaboeva Nasiba <i>THE PROCEDURE FOR COMPILING THE CONTENT OF THE SUBJECTS IN THE CALENDAR SUBJECT PLAN ON THE BASIS OF THE WORKING CURRICULUM OF SCIENCE (MODULE) IN PROFESSIONAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS</i>	32
Olimov Elyor Fazliddin ugli <i>CHARACTERISTICS OF PUBLIC SECTOR EXPENDITURES</i>	35
Ражабова Раъно Зариповна <i>ТЕЗ АЙТИШЛАР СТИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР</i>	38
Насиба Норова Бахтиёрвна <i>ИЖОДКОРНИНГ БАДИИЙ САНЪАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШДАГИ МАҲОРАТИ (УСМОН ҚЎЧҚОР ЛИРИКАСИ МИСОЛИДА)</i>	46
Латипов Хаёт Рамазонович <i>"ЛИСОН УТ-ТАЙР"ДА МАЪРИФАТ ТАЛҚИНИ ВА ОРИФ ОБРАЗИ ТАСВИРИ</i>	57
Nigina Umurova Raximovna	64



УДК 82-93

ТЕЗ АЙТИШЛАР СТИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Ражабова Раъно Зариповна

*БухДУ Филология факультети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
ф.ф.ф.д(PhD)*

Аннотация: *Тез айтишлар болалар фольклорида маънавий ўйин турларидан бири бўлиб, кичкинтойлар адабиётида кўп стилизация қилинган жанрлардан ҳисобланади.*

Таянч сўзлар: *халқ оғзаки ижоди, тез айтиш, болалар фольклори, стилизация, стилизацион фольклоризм, фольклор ва ёзма адабиёт.*

Аннотация: *Стихи – одна из духовных игр в детском фольклоре и один из самых стилизованных жанров детской литературы.*

Ключевые слова: *фольклор, скороговорка, детский фольклор, стилизация, стилизованный фольклоризм, фольклор и письменная литература.*

Annotation: *Poetry is one of the spiritual games in children's folklore and one of the most stylized genres of children's literature.*

Key words: *folklore, patter, children's folklore, pastiche, stylized folklorism, folklore and written literature.*

Катталар адабиётидан кўра болалар адабиётида фольклор жанрлари, образ ва мотивларига мурожаат янада кўпроқ кузатилади. Хусусан, болалар фольклорига алоқадор алла, эркалама, ҳукмлагич, шунингдек, ҳам катталар, ҳам болалар фольклорига тегишли эртақ, топишмоқ, тез айтиш сингари жанрларнинг шакли, ифода услуби, образ ва мотивларига айрим ижодкорлар қайта ишлов бериши натижасида стилизацион фольклоризм кўринишлари пайдо бўлади.

Адабиётшунос С. Мамажонов ёзганидек: «Халқ ижоди ёзувчилар учун халқ тарихини, курашини, унинг мақсад ва идеалларини, руҳи, онги, психологияси ва характерини, унинг бой тилини ўрганиш манбаи бўлмоқда; халқ билан, ҳаёт ва замон билан узвий боғланишда маълум маънода ғоявий-эстетик кўприклардан бири бўлиб хизмат этмоқда». Дарҳақиқат, фольклор таъсирида ўзбек болалар адабиёти янада мазмунан теранлашиб, жанрий жиҳатдан бойиб, ҳаётий таъсирчанлиги ортиб бормоқда. Бу жараёни чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш эса унинг камолот уфқларини аниқлаш учун муҳим ҳисобланади.

Фольклор ва ёзма болалар адабиёти муносабатларининг чуқурлашиш жараёни икки томонлама юз берган:

1. Болалар учун ижод этиш анъанаси ҳали ёзув бўлмаган қадимги замонлардаёқ оналар аллалари, эркаламалар, овутмачоқлар, шунингдек, халқ



эртаклари, топишмоқлар, тез айтишлар, тақвимий ва маиший кўшиқлар, бутун бир тизим тарзида намоён бўлувчи ўйинлар шаклларида фольклор бағрида юзага келган эди.

2. Фольклор ва ёзма адабиёт орасидаги билвосита алоқа эса болалар адабиётида фольклоризмларнинг хилма-хил кўринишларини юзага келтирди ва болалар адабиётининг миллийлигини, халқчиллашувини, ғоявий-бадий баркамоллашувини, қизиқарлилиги ва табиий соддалигини таъминлади. Шу тариқа ўзбек болалар адабиёти ҳам фольклорга таянган ҳолда шаклланиб, бадий такомиллашиб борди.

Фольклоршунос Б.Саримсоқов стилизация характеридаги фольклоризмларни иккига бўлади:

1. Ижобий характердаги стилизация асосида юзага келган фольклоризмлар. Бу типдаги фольклоризмлар, асосан, фольклор материалларининг ҳам ғоявий, ҳам мазмуний жиҳатларига таянган ҳолда уларни янги шаклда қайтадан ишлов бериш туфайли юзага келади. Ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб бу борада фаолият юритган шоир Қуддус Муҳаммадий бўлиб, у тилни бурро қилувчи халқ тез айтишларининг шакли ва ритмидан ижодий фойдаланиб, адабий тез айтиш жанрини стилизация асосида шакллантирди. Шоир ўзининг гуллар бадий тавсифига бағишланган «Уртўқмоқгул» шеърий тез айтишида болаларга шу номдаги гулни таништиришдан ташқари, унинг номидаги «Р», «Л», «Қ» товушларини тўғри талаффуз қилишга ўргатишни кўзда тутган. Чунки ёш болалар кўпинча бу товушларни, яна шунга ўхшаш ш, ч, с, ғ каби нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишда қийинчилик сезиб, гоҳида кулгига ҳам қолишади. «Шоир шу ҳолатни чуқур ҳис этганидан бу товушлар фаол қатнашадиган «уртўқмоқгул» сўзларига оҳангдошлик ҳосил қиладиган сўз ва иборалардан фойдаланиб, риторик сўроқ ва поэтик инкор санъатлари воситасида шеърий тез айтишнинг равон ва ўйноқи намунасини тўқиган».

О.Сафаров томонидан «Уртўқмоқгул» шеърий топишмоғида «Р» товуши 13, «Л» товуши 27, «Қ» товуши 38 марта қўллангани аниқланган.

Шоир Собит Ғафуров ҳам топишмоқ ва тез айтишлар болаларнинг ақлини пешлаб, тилларини бурро қилишда муносиб кўмакчи бўлишини инobatга олиб, кичкинтойларга бағишлаб шу жанрдаги асарларни яратган. Хусусан, шоир Набижон Эрмат ўнлаб тез айтиш ва топишмоқ китоблари билан янада шуҳрат қозонган. У ўзининг юзта тез айтишини ўзбек алифбосидаги барча ҳарфлар асосида яратган. Масалан: «Асал аммам азонда Аслиддинни аллалаб алла айтди», «Буви бувага бугундан бошлаб бузоқ боқишни буюрди», «Ваққоснинг виз-визаги виз-визлаб визиллади», «Дадаматнинг деҳқончилик даромади Давронбекнинг деҳқончилик даромадидан дурустроқ», «Ишбилармон ишбайчи истар-истамас ишшайиб ишларди», «Йилқибоқар Йигиталининг йилқилари Йўлдошали йилқиларидан йироқлашмоқда», «Кўкламда кўкарган кўм-кўк кўкатлар кеч



кузгача кўркамлигини кўрсатди», «Лалмизордаги лоларанг лолақизғалдоқлар лолалардек лов-ловланарди», «Обиддин олмazorларини обдон ободонлаштириб обрў олди», «Юк юкловчи юкларни юқори юкхонага юклади», «Ўтов ўртасида ўтирган ўттиз ўртоқ ўртасидан ўқилон ўтди», «Қизил кўнғиз кўнғир кўнғиз қароргоҳида қариндошлардек кўноқлади», «Ғала-ғовур ғалаён Ғулумни ғамгинлатди», «Ҳазил-хузулли ҳамсуҳбат ҳамиша хузурлидир» шулар жумласидандир.

Бошида қийин туюлган тез айтишлар бир неча марта такрорланганидан сўнг тўғри айтила бошланади. Тез айтишда, айниқса, товушларнинг талаффузи тўғри ва аниқ бўлишига аҳамият берилади.

Набижон Эрмат қаламига мансуб тез айтишлар, асосан, ёйиқ содда гап тузилишида яратилган. Улар кўпинча дарак гап шаклида учрайди. Масалан: «Дарбадар дарвешлар дунёнинг дардидан дардлашдилар». Бу тез айтиш матнида «дарвешлар» эга, «гаплашдилар» кесим бўлиб, предикатни ташкил қилган. «Дарбадар» сифати эга учун сифатловчи аниқловчи вазифасида келган. «Дунёнинг» сўзини ифодалаган от қаратқич келишигини олиб, гапда чиқиш келишигидаги от билан ифодаланиб келган воситали тўлдирувчи «дардидан» сўзига қаратқич аниқловчи бўлган. Шунинг натижасида фикр ёйиқ содда гап кўринишида ифода этилган.

Набижон Эрматнинг риторик сўроқ гап ёки ундов оҳангли сўроқ гап шаклида яратилган тез айтишлари ҳам бор: «Гадой гарангга гангур-гунгур гапирдими, гаранг гадойга гунгур-гунгур гапирдими?», «Ириллаган ит ирғишлайдими, ирғишлаган ит ириллайдими?!» каби.

Шунингдек, ижодкор Н.Эрматнинг шеърий кўринишда ҳам тез айтишлари мавжуд:

Нурда дурлар нурландими?

Нурлар дурда нурландими?

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фольклорга хос тез айтишларда халқнинг донишмандлиги, қуйма бадий сўз санъати ярқ этиб кўзга ташланади. Яна мантиқий фикр ҳам эътиборни тортади. Бундан ташқари тез айтишда иштирок этувчи аллелетерацион товуш талаффуз қилишда қийинчилик туғдириб, сўзловчининг тутилишига сабаб бўлади. Яъни, унинг «тутал» деб айтиладиган иккинчи номи ҳам шундан олинган. Масалан, 6 сўздан иборат:

Қишда кишмиш пишмасмиш,

Пишса кишмиш қишмасмиш,-

тез айтишида шундай маънавий ўйин моҳияти ойдинлашади. Назаримизда, адабий тез айтишлар ҳам аввало ёш авлодга маънавий ва эстетик завқ уйғота олсагина кўзланган мақсадга эришилади.

Иккилик кўринишидаги шеърий тез айтиш Зуҳро Ҳасанова ижодида ҳам учрайди:



Пиёлали эй бола,
Пиёланг гули лола.

Тез айтишларда кишиларга атаб қўйиладиган исмлар, яъни антропонимларга жуда кенг ўрин берилиши уларга хос муҳим белгилардан биридир. Уларда баъзан битта, баъзан иккита, баъзан уюшиқ бўлак кўринишида бир неча антропоним келтирилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундай хусусият Набижон Эрмат тез айтишларига ҳам хосдир. Шоир тез айтишларини бу жиҳатдан учга ажратиш мумкин:

Бир антропонимли тез айтишлар: Пастқам пастлик пастида Парпиқўзи пўстлоқ парчаларини пачақлади.

Икки антропонимли тез айтишлар: Киракаш Карим кўм-кўк кўкатларни Комилжон киракашдан кўра кўп кўтарди.

Кўп антропонимли тез айтишлар: Фузулий, Фурқат, Фитрат, Фаробийлар фанда фозил, фақат фонийлар.

Шоир Н.Эрматнинг айрим тез айтишлари шаклан ихчамлиги, мазмунан пурҳикматлиги жиҳатидан мақолларни ёдга солади. «Эр йигит элга эллашур», «Тиғнинг тиғидан тилнинг тиғи тиғлироқ», «Хасис хилватда хасисликдан хасталанди», «Ёвуз ёвнинг ёвқараши, ёлғиз ёвнинг ёвқарашидан ёвуз», кабилар шулар жумласидан бўлиб, улар аллитерация (бир хил товушлар такрори)га асосланиб яратилганлиги учун тез айтишлар деб кўрсатилмоқда.

Агар Н.Эрмат тез айтишлари, одатда, бир хил товушлар такрорига асосланиб яратилган бўлса, М.Ҳамидова тез айтишлари орасида шундай намуналардан ташқари, ҳар хил товушлар такрорига асосланганлари кам бўлса-да, учрайди:

Журъат Талъатдан журъатлими?

Талъат Журъатдан талантлими?

Хулоса. Умуман айтганда, болага эстетик завқ бағишлаб, фикрлаш доираси кенгайишига, қобилиятию хотираси, сезгиси ва нутқи ўсишига фойда берадиган тез айтишлар нафақат фольклорда, балки ёзма адабиётда ҳам ўз ўрнига эга. Уларнинг стилизацияси тез айтишларга хос халқона ифода услубини янада бойитмоқда, дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Абдуллаева Қ. Нутқ ўстириш. Бошланғич синф ўқитувчилари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 118 б.

3.Мамажонов С. Шоир дунёси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. – Б.143.

4.Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – 4-сон. – Б.44.



5. Сафаров О. Шеърим – очил дастурхон. Таниқли болалар шоири, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори Қуддус Муҳаммадий сиймосига чизгилар. – Тошкент: Муסיқа, 2011. – Б.64.
6. Фафуров Собит. Топағон бола: тез айтишлар, хандалар, топишмоқлар. (Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун). – Тошкент: Юлдузча, 1988. – 46 б.
7. Nabijon Ermat. 100 topishmoq va tez aytishlar. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. – В.33-43.
8. Nabijon Ermat. 99 tez aytishva topishmoqlar. – Toshkent: Muharrir, 2019. – В.
9. Darmon, Uraeva, Rajabova Rano, and Rajabov Dilshod. "The stylization of prose tales in Uzbek children's literature." *Religación: Revista de Ciencias Sociales y Humanidades* 4.18 (2019): 170-174.
10. Rajabova, Rano. "Ўзбек Болалар Адабиётида Фольклор Жанрлари Стилизацияси." *Центр научных публикаций (buxdu.uz)* 8.8 (2021).
11. Rajabova, Rano. "Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси." *Центр научных публикаций (buxdu.uz)* 3.3 (2021).
12. Rahmatovna, Torayeva Umriniso, and Rajabova Rano Zaripovna. "Study of Begali Kasimov's Activity in Literary Studies and Scientific Biography of the Scientist." *Journal of Survey in Fisheries Sciences* 10.2S (2023): 3454-3459.
13. Rajabov, Dilshod Zaripovich. "Radif in uzbek folk songs." *Theoretical & Applied Science* 10 (2018): 316-318.
14. Juraev, Mamatkul, Dilshod Rajabov, and Shahodatbonu Imomnazarova. "WEDDING SONG GENRE IN THE CEREMONY LYRICS OF THE CENTRAL ASIAN TURKISH PEOPLES." *Theoretical & Applied Science* 7 (2020): 467-473.
15. Rajabov, Dilshod Zaripovich. "O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA RADIFNING IFODA SHAKLLARI." *Konferensiyalar| Conferences. Vol. 1. No. 4. 2024.*
15. Ahmadovich H. S., Muminovna M. M. About Nisoriy Bobur And Humoyun //NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS *Journal| NVEO.* – 2021. – С. 4753-4767.
16. Muhammadova M. HUMOYUN MIRZO NISORIY TALQINIDA: Mahbuba Muhammadova Termiz davlat universitetining mustaqil izlanuvchisi //Научно-практическая конференция. – 2021.
17. Mahbuba M. Nisoriyning "Muzakkiri ahbob" tazkirasida ayrim janr va badiiy san'atlar xususiyati //Karabük-2020.
18. Mo'minovna M. M. SECTION: HISTORY SCIENCE //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – С. 29.
19. Mo'minovna M. M. NISORIY DO 'ST MUHAMMAD SULTON VA UNING IJODKOR SIFATIDAGI QIRRALARI HAQIDA //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 29. – С. 348-350.
20. Makhbuba M. Muzakkiri Ahbob" Fable By Nisari And Its Role In Literature Studies //European Journal of Business and Social Sciences. – 2019. – Т. 7. – №. 10. – С. III-III6.



21. Sanobar A., Mahbuba M. O'LMAS UMARBEKOVNING"ODAM BO'LISH QIYIN"ASARINING BADIY TAHLILI //ZAMONAVIY TA'LIMDA FAN VA INNOVATION TADQIQOTLAR JURNALI. – 2024. – T. 2. – №. 1. – C. 74-80.
22. Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – C. 551-556.
23. Ramazonovich L. H. Souls striving to god or from the world of wise people //Journal of Social Sciences and Humanities Research. – 2018. – T. 6. – №. 04. – C. 14-18.
24. Ramazonovich L. H. Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs //International Journal of Formal Education. – 2024. – T. 3. – №. 4. – C. 20-28.
25. Baxtiyorovna, N. N. , & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. International Journal of Formal Education, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>
26. Ramazonovich, L. H. . (2024). Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs. International Journal of Formal Education, 3(4), 20–28. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2474>
27. Norova N. Principal Directions of Studying the Problem of Style in Literature (on the Example of U. Kochkor's Lyrics) //JournalNX. – C. 913-915.
28. Norova N., Nigina M. OMON MATJON SHE'RLARIDA QUSHLAR TIMSOLI //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 13. – №. 3. – C. 27-30.
29. Nasiba N. UDC: 821.512. 133 TRADITION AND INNOVATION IN USMON KUCHKOR'S POEMS //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – C. 100.
30. Norova N. B. Creative abilities of the artist in the application of the art (on the example of the lyrics of osman kochkar) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – C. 214-221.
31. Norova N. Artistic skills in Usmon Kuchkor poetry //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2022. – Т. 15. – №. 15.
32. Bakhtiyorovna N. N. CREATIVE ABILITIES OF THE ARTIST IN THE APPLICATION OF THE ART (ON THE EXAMPLE OF THE LYRICS OF OSMAN KOCHKAR).
33. Gaybulloevna D. S., Bakhtiyorovna N. N. PSYCHOLOGIST IN ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL" FATHER.
34. Norova N. УСМОН ҚЎЧҚОР УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ “ЛАЗИЗЖОН МАРСИЯСИ” ШЕЪРИ ХУСУСИДА: УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ “ЛАЗИЗЖОН МАРСИЯСИ” ШЕЪРИ ХУСУСИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.
35. Norova N. ҲОЗИРГИ ШЕЪРИЯТДАГИ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАҚИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.
36. Norova N. Usmon Qo 'chqor lirikasidagi obrazlar turkumi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.



37. Baxtiyorovna N. N. USMON QOCHQOR LIRIKASIDA MUHABBAT MAVZUSINING TALQINI: DOI: 10.53885/edinres. 2021.71. 75.119 Norova Nasiba Baxtiyorovna, BuxDU Ozbek tili va adabiyoti kafedrasida tayanch doktoranti (Ozbekiston) //Научно-практическая конференция. – 2021.
38. Норова Н. Б. УСМОН ҚЎЧҚОР ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ ТАЛҚИНИ: Норова Насиба Бахтиёревна, Бух ДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, (PhD) //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2023. – №. 1.
39. Baxtiyorovna, N. N. , & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. International Journal of Formal Education, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>
40. Norova N. The Subject of Bukhara in the Poems of Osman Kochkar //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 858-863.
Norova N. The Subject of Bukhara in the Poems of Osman Kochkar //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 858-863.
41. Umurova N. INTERPRETATION OF HIS IDEAS IN THE WORK OF AHMAD YASSAVIY //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. C10. – С. 45-49
42. Raximovna U. N. TASAVVUF TA'LIMOTI VA G 'ARB ADABIYOTI //Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. – 2023. – С. 117-119.
43. Raximovna, Umurova Nigina. "Beshinchi tog " asarida Sharq falsafasi." Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. 2023.
44. Umurova N., Samadova S. Oriental Motives on "The Fifth Mountain" By Paulo Coelho //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 2.
45. Umurova N. "IQRORNOMA" VA ISLOM FALSAFASI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 41. – №. 41.
46. Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.
47. Sharipova L. BOLALAR ADABIYOTINING NOZIKTA'V ZARSHUNOSI //Konferensiyalar| Conferences. – 2024. – Т. 1. – №. 4. – С. 67-70.
48. Шарипова Л., Низомова К. ЎЗИГА ХОС ШЕЪРИЯТ //Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 19-21.
49. Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.
50. Sharipova L. Замонавий шеъриятда ёмғир образи //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
51. Шарипова Л. БОҚИЙ МАВЗУДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАР: Шарипова Лайло, ф. ф. д., ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Бухоро давлат университети //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 5. – С. 52-56.



52.Sharipova L., Boboxo'Jayeva L. A. XALQ OG 'ZAKI IJODINING USMON AZIM IJODIGA TA'SIRI MASALASI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – T. 3. – №. 6. – C. 948-952.

53.Sharipova L. ALISHER NAVOIY IJODIDA LUG 'Z //Academic research in educational sciences. – 2023. – T. 4. – №. Conference Proceedings 1. – C. 387-391.

54.Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 4. – C. 218-222.

55.Sharipova L. XX asrning 70–80-yillari o 'zbek she'riyatida folklorizm //Toshkent: Fan. – 2011. – T. 153.